

**ЛОЙИХА -СМЕТА , (КИДИРУВ ИШЛАРИ) ПУДРАТ
ШАРТНОМАСИ № 3**

Фарғона шаҳри

2022 йил “20 ”Май

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят Марғилон шаҳар ҳокимлиги “Ободонлаштириш бошқармаси” номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ш. Рахимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Vodiy Maxsus Loyiha»МСНJ номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Л.Комилов иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 686-692 моддалари, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўгрисида»ги конуни, Курилиш меъёрлари ва қоидалари (КМК 1.03.01) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ВМнинг соҳага оид қарорларига асосан лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани туздилар.

1.Шартнома мавзуси

1.1.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан “Орол буйи МФЙ Бехзод кучаси 0,700 км кисмига окава сув тармоги тортиш” буйича жорий таъмирлаш обьекти учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бажариш ва экспертизадан утказиш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса шаҳар Молия бўлими томонидан обьектнинг шаҳар Ғазначилик бўлимидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилганидан сунг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.Шартнома буйича ишлар қиймати

2.1. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча соликлар, йифимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда 2022 й. «20»Май Лот раками №85981 булган танлов ҳайъати йигилишининг баёнига асосан жорий нархларда **ККС сиз 5300000 (Беш миллион уч юз минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишларни бажариш ишлар бошланган кундан эътиборан “10” кунни ташкил этади ва бажарилган ишлар 2022 йил “31 ” Майда буюртмачига тўлиқ топширилади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисбланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно: - енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда қурилиш қийматини кўпайтириш;

- ишлархажмибуюртмачитомонидан ўзгартирилганда;

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3.Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан ишларни бошлайди вабарча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан тасдиқланган ҚМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқади ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни Буюртмачига ушбу шартнома шартларига мувофиқ топширади;

3.2. Буюртмачининг рухсатисиз бажарилган ишларни учинчи шахсга бериш таъқиқланади.

4.Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун тегишли хужжатларни далолатнома буйича Пудратчига бериш;

-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблаг ажратилганидан сунг шартнома буйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 % миқдорида авансни ўтказади.

5.2.Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сунг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан обьектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблаг ажратилгандан сунг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

6.Ишларни бажариш

6.1. Пудратчи лойиха-СНИП ишларига лойиха бош муҳандисни тайинлайди.Бош муҳандис лойиха-смета хужжатлари ҚМК, ШНК ва бошка меъёрий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини назорат қиласи, бажариладиган ишлар босқичларини келишади ва бажарилаётган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот тақдим қилиб боради. Пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган

муддатда, курилиш ишларини бажарни давомида муаммоли ҳолатлар вужудга келмайдиган ҳолатда асосли ҳамда сифатли килиб бажаради.

7.Ишларни топшириш ва қабул қилиш

7.1.Пудратчи томонидан тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан экспертизадан ўтказилиб, унинг берган холосасига кўра, тўпланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағаликни қискартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳаларни ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК (НАПУ) томонидан комплекс экспертизадан ўтказилиб, уларнинг ижобий холосаси олингандан сўнг, Пудратчи З кун мобайнида лойиҳанинг ишчи ҳужжатларини З нусхада, смета ҳужжатларини 1 нусхада накладной билан Буюртмачига топширади, Буюртмачи вакили ўзига берилган ишончнома билан ишни накладнойга имзо қўйиб, қабул қилиб олгандан кейин, Пудратчи ушбу накладной асосида Ф-3 счет-фактура расмийлаштириб, Буюртмачига тўлов учун тақдим қиласи.Лойиҳанинг ишчи ҳужжатлари юқоридаги тартиб асосида Буюртмачига топширилмаган тақдирда ишлар бажарилмаган ҳисобланади.

7.2.Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четга чиқишлиар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликларни аниқлагандан кейин 10 кун муддатда Пудратчини ёзма равишида огоҳлантиради ва камчиликларни қиска муддатда бартараф этилишини талаб қиласи.Пудратчи ўз навбатида мазкур камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қиласи.

8.Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

9.Кафолатлар

9.1. Пудратчи:-барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, курилиш-таъмирлаш ишлари давомида лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бажарилётган ишлар ўргасида муаммоли ҳолатлар бўлмаслигини кафолатлайди;

10.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1.Буюртмачи Пудратчига барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини ёки ишларининг айрим босқичлари тугаллангандан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлайди.Пудратчи тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан қўшимча жавобгар сифатида қатнашишга мажбур.

10.2.Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ва бажарилган қидиув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади.Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.3 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, тегишли дастур бўйича лойиҳа ишларига маблаглар берилгандан сўнг ўз вактида молиялаштирулмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Пудратчи ишларни ўз вактида бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган

қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тұлайды, бирок бунда пеняниңг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Курилиш-таъмирлаш ишларини бажариш давомида объектда лойиха-смета хужжатлари билан боғлиқ муаммоли ҳолат вужудга келган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида мулкий жавобгар хисобланади ва ушбу ҳолат билан боғлиқ зарап тұлиғича Пудратчидан ундириб олинади.

Буюртмачи томонидан топилған нұқсанлар ва камчиликлар үз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати үтказиб юборилған ҳар бир күн учун сифатсиз бажарилған ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида пеня тұлайды, бунда пеняниңг умумий суммаси сифатсиз бажарилған ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тұлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар күрсатишининг кечикиши туфайли етказилған заарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.5. Агар бажарилған ишлар сифати белгиланған стандартларга, қурилиш мөйерлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувоғиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давлат экологик экспертизаси»нинг хulosаси асосида ишларни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тұлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

10.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилған жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мulkning йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилған фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

10.7. Муддат үтказиб юборилғанлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тұлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

10.8. Компания бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ҳисобланғанлиги сабабли, объектга бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги учун ёки вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги маҳсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилмаганлиги сабабли Буюртмачи тўловларни амалга ошира олмаганлиги учун, пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

10.9. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмiga кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари куйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг хужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

11. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

11.1. Шартнома бўйича үз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга карши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-харакатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора таклиф қиласлиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қиласлиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёзларни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими үз лавозимидан фойдаланған ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар қурилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ходимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-харакатлари, шу жумладан коррупциявий хукуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат килиши мумкин.

12. Низоларни ҳал қилиш

12.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилған заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар үзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланған тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

13. Шартномани бекор қилиш

13.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сонли карорининг 3-бандига асосан 2020 йил 1 июлга қадар архитектура-шарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун белгиланған тартибда Пудрат ташкилотига берилған лицензия ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб қайта расмийлаштирилмаганлиги аниқланған ҳолда (Пудратчининг лицензиясиз фаолият кўрсатганини маълум бўлиши).

13.2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги “Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг Техник топширикнинг иш ҳажмлари ва уларнинг нарх параметрлари

жыныса үтказылған комплекс экспертиза натижалари буйынча Пудрат ташкилоти томонидан ишлаб өткілгандар архитектура-шахарсозлик хужжатларига ижобий холоса берилмаган тақдирда.

13.3.Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга үз вактида киришмаса ёки ишни суст бажариши натижасида уни белгиланған мұддатта тутатыш мүмкін эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Буюртмачи иш натижаси үзига белгиланған тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунига қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мүмкін.

13.4.Шартномани бекор килишга қарор қылган томон иккинчи томонга ёзма равища билдиришнома юборади.

13.5.Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

14.Алоҳида шартлар.

14.1.Мазкур шартнома Марғилон шаҳар Газначилик бўлимидан рўйхатдан үтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди.Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

15.Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

Марғилон ш. «Ободонлаштириш бошқармаси»

Манзил: Марғилон ш. Мустақиллик к. 452Ай

Тел./факс: 253-48-53

ш.ф.к: 401722860304127065100110011

СТИР: 200 138 992

Молия вазирлиги Газначилиги

ЯФХ: 23 402 000 300 100 001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент ш.ХККМ

МФО:00014 Газначиликбўлинмасининг

СТИР: 201 122919

Рахбар

Ш.Рахимов



“Бажарувчи”

“Vodiy Maxsus Loyiha”MCHJ

Фаргона шаҳар Университет кучаси

хр 20208000 7052 4283 4001

МФО 01168 ИНН 307496880

Ипакйули Банк Фаргонафиали

Тел +99898 880-57-55

Директор

Л. Комилов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN NORMALARIGA
MUVOFQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

2022-yil 20-may.

Marg‘ilon shahar.

1. Loyihaning raqami: SL 66700480.

2. loyihaning turi: Loyiha-smeta, (qidiruv ishlari) pudrat shartnomasi.

3. Loyihaning nomi: «**Vodiy Maxsus Loyiha**» MChJ tomonidan 5 300 000 (besh million uch yuz ming) so‘mlik “**Orol buyi MFY Bexzod kuchasi 0,700 km kismiga okava suv tarmogi tortish**” ob’ekti uchun loyiha-smeta hujjatlarini tayyorlab bajarish va ekspertizadan o’tkazish to‘g‘risida.

4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:
Marg‘ilon shahar obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilib, 2022-yil 20-may kuni dasturga kiritilgan.

5. Loyiha yuzasidan huquqiy hulosa: Loyiha O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni talabiga asosan ishlab chiqilganligini inobatga olib uni qabul qilish **maqsadga muvofiq**.

**Marg‘ilon shahar YuKK markazi
bosh yuriskonsulti**



M.M.Miraxmedov